

Бадиий очерк эпик турнинг бирмунча кейин вужудга келган жанрларидан хисобланади. Кўпчилик очерклар реал фактлар асосида ва хаётда чиндан хам мавжуд бўлган шахслар тўгрисида ёзилади. Бундай холларда бадиий тўқимага жуда кам урин берилади, чунки очеркнавис хаётда чиндан хам мавжуд кишилар ва уларнинг турмушидан олинган воқеалар хакида хикоя кила туриб, ўша одамлар бажармаган ишлар тўгрисида гапира олмайди. Очеркда шундай далил ва шахслар тасвирланадики, уларда кишиларнинг типик хусусиятлари ва ижтимоий конуниятлари акс этади.

Очерк вактли матбуот учун ёзилган оддий хабардан бадиий асарга хос баъзи хусусиятларга, яъни вокеликни типик образлар ва манзарапарда акс эттириш фазилатига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Очеркда кўпинча каҳрамоннинг портрета (сиймоси), маънавий киёфаси, рухий ва нуткий тавсифи берилади. Бу жанрдаги асарларда характерни тасвирлов-и воқеалар тизмаси каҳрамонларнинг иш-харакати содир бўлган жой ва ундаги табиат манзараси билан боғланиб, очеркнинг гоявий мазмунини бадиий шаклда очади. Очеркда хам кўпинча характер типиклаштирилади ва индивидуаллаштирилади ва маълум даражада ривожланишда кўрсатилади. Бу жанрнинг муаммоли очерк, йўл очерклари, хотиравий очерк сингари кўплаб кўринишлари мавжуддир.

Очерк мураккаб ижтимоий шароитларда юзага келди ва ривожланди. У кишиларнинг вокеликдаги хали ўрганилмаган ходисалари мохиятини ва асосий белгиларини билиб олишга интилиши билан боғлик холда вужудга келган. Очерк фактик материал заминида ёзилиши, хажмининг бирмунча кичиклиги туфайли хаёт-даги янгиликлар хакида тезрок ва аникрок умумлаш-малар чиқариш хамда китобхонга етказиш кудратига эга. Шу сабабли, хозиржавоб жанр деб каралган очерк XX аср узбек адабиётида тез суръатлар билан тараккий этди. Унинг ривожига Абдулла Кодирий, Хамид Олим-н, Гафур Гулом, Абдулла Каҳхор, Йўлдош Шамшаров, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Назир Сафаров каби ёзувчилар салмокли хисса кўшдилар хамда очеркни чинакам хаётий жанрга айлантиришга харакат килдилар.

Эркин Худойбердиев